

ТОШКЕНТ

ОҚИШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент
шаҳар комитети ва халқ депутатлари
шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан
чиқа бошлаган.

№ 298 (6. 189)

1986 йил 29 декабрь, душанба

Бадоси 3 тийин



ИЛҲОМБАХШ МЕҲНАТИМИЗ— ЎН ИККИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИККА

Шаҳар индустрияси рапорти

Тошкент—Чернобилга

Йиллик план тайёр!

БУГУН

Ўзбекистон пойтахтининг меҳнат коллективлари товар маҳсулотлари реализация қилиш ва саноат буюмларининг асосий турларини ишлаб чиқариш бўйича ўн иккинчи беш йилликнинг дастлабки йили планини ба- жаришди.

Қайта қуриш жараёнини жадаллаштириш, Улут Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг қучоқ ёйди- риш, беш йиллик топириқларини му- ваффақиятли адо этилишига эришиш учун партия давлатлари амалий иш билан жаноб бераётган саноат ходимлари хўжалик-иқтисодий фаолиятини жадаллаш- тиришнинг туб масалалари — меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифа- тини яхшилаш, моддий ресурсларни те- жашга катта эътибор бермоқдалар. Бу йил охирига қадар планга қўшимча 46

миллион сўмликдан зиёд саноат маҳсу- лотларини реализация қилиш имконини беради. Мамлакат халқ хўжалиги қўлаб қўшимча машинасозлик, приборсозлик, қу- рилиш индустрияси, енгил, озиқ-овқат, маҳаллий саноат ва шу жумладан истеъмол буюмларини олади.

Юксак техник-иқтисодий кўрсаткичлар билан йиллик топириқларини шаҳарда биринчилардан бўлиб адо этган Акмал Ик- ромов, Киров, Собир Раҳимов ва бошқа районлар корхоналарининг меҳнатчилари йилни зарбдорона якунламоқдалар.

Социалистик мусобақада муҳим мар- рани эгаллаган шаҳар саноатчилари меҳнат ва ишлаб чиқариш интенсивлаштириш, фан ва техника ютуқларини тadbiq эти- ши жадаллаштириш, илгўр технология, бошқарув механизмини тақомиллаштириш, ҳар бир иш жойида ушшоқлик ва инти- зомликка эришиш билан беш йиллик- нинг иккинчи йилига одим ташламоқдалар.

МАДАДКОРЛАР

Чернобил атом электр стан- циясидаги авария оқибатлари- ни тугатишга тошкентликлар ҳам муносиб ёрдам бермоқ- далар.

Собир Раҳимов районидан барча муассасалар, корхона- лар, ўқув юрларининг коллективлари, маҳаллалар- нинг аҳолиси бу хайрли иш- га ўз ҳиссаларини қўшишмоқ- да.

Райондаги «Компрессор» за- води 5547 сўм, экскаватор ре- монти таъриба-механика за- води 8753 сўм, ирригация бўй- ча давлат маҳсул конструктор- лик бюроси 3442 сўм, шаҳар электр таъминоти термолари 5930 сўм, чинни заводи 7767

сўм пул топириқлар.

Район марказий омонат кес- сасида маҳаллалар аҳолиси топириқлар пуллар ҳам му- таазам қайд этилмоқда. Форо- бий кўчасида истиқомат қи- лувчи М. Асанова 50, У. Ази- зова 25, А. Розиков 10 сўм, топириқлар. Қардошлик қо- нунига биноан ҳиммат билан пул топириқлар кишилар бу билан совет кишиларига хос фазилатларини намоён қилмоқ- далар.

Собир Раҳимов райони бўй- ча Чернобил фондида юбо- рилган пул бир неча юз минг сўмни ташкил этади.

М. МАЪҚУЛОВА.

Техника тараққиёти йўлидан

Олимпларнинг таклифи асосида

Тошкент политехника ин- ститутининг олимплари поли- мерларни янги ва иссиққа бардошли универсал қўшим- ча модда рецептини химик- ларга топириқлар. Москва, Уфа ва Владимирлик мута- хассислар билан ҳамдўст- ликда полимерларнинг янги стабилизаторини ишла- тиш технологияси ҳам ишлаб чи- қилди. Унинг ёрдамида го- ят сифатли изоляторларни, жумладан кабель қобитини тайёрлаш мумкин.

Олимплар дастлабки мате- риал сифатида чигит ёғини олиш чиқтилари — госситол смоласидан фойдаландилар. Қўшдан-қўш таърибаларнинг кўрсатишча, қимматбаҳо нефть маҳсулотлари — клас- сификаторлар, сурков мой- лари ҳамда полимер компо- зицияларни тузишда ишла- тувчи бошқа бир қанча та- қил химиявий қўшимча мо- далар ўрнидан бемалол фойдаланиш мумкин экан.

Стерилизмак «Каустик» ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамда Владимир химия за- води униполдан фойдала- нилган янги кабель пласти- кати ишлаб чиқаришни ў- лаштириш. У эскиларидан қўшга чидайдиған гоётда пи- шиқ бўлиб чиқди. Янгилик биринчи марта Тошкент ка- бель заводида ишлатилди. Бу материалнинг дастлабки қисмиёқ химиклар 2 милли- он сўм тежашилариға имкон берди. Мутахассисларнинг ҳисобларига кўра, униполни кенг кўламда ишлатишнинг иқтисодий самараси йилга 10 миллион сўмга яқинлаша- ди.

Янги йил совғаси

Республика пойтахтининг Киров районида очилган янги йил боғларига боғсизда Янги йил байрамини нишонлагани 560 бола Қорободан тақ- лимнома олди. «Главташ- кентстрой» меҳнаткашлари

кичиктоиларга шундай Ян- ги йил совғаси қилди.

Бу йил Тошкентда 10 та боғча қурилди ва уларда 370 бола тарбия оляпти. (ЎзТАГ).

Ҳамшаҳарлар,
Сизлар учун

Қўшимча автобуслар йўлга чиқди

Тошкентда асосий маршрут- ларга қўшимча равишда ар- талаб ва кечқурун қатнайди- ган бешта автобус маршрут- лари очилди.

Пойтахтда куннинг энг серқатнов пайтларида маши- налар тикилиб бўлиб, кун- дузи бўшроқ бўладиган транспорт линиялари кўп. Шундай қилиб автомобилчи- лар керакли пайтда тизиз маршрутларга қўшимча ма- шиналарни қандай қилиб ки- ритиш тўғрисида бош қоти- рдилар.

Бундай қўшимча автобус- лар йўловчиларни метропо- литен станцияларига элтиди, катта-катта ўй-жой масивла- ри билан саноат зоналарини боғлайди. Уларнинг асосий фазилати тез юриш бўлиб, маршрутнинг у бошидан бу- бошига қарийб тўхтамай бо- ради.

Шундай қилиб, ҳар кун серқатнов маршрутларга пайдан ташлари 40 та «ЛАЗ», «ЛИАЗ», «ИКА- РУС» автобуслари чиқмоқда. «Главташассанаториас» кол- лектив машиналардан фой- даланиш коэффициентини ошириш қорасида қилган ишнинг натижаси улароқ, ана шу қўшимча колонна пайдо бўлди. (ЎзТАГ).

БУЮК МЕРОС

«Ўзбекистон» нашриёти В. И. Ленин тилланган асар- лари ўн томлигини дастлаб- ки икки томини босиб чиқар- ди. Ундаги асарларни «Ўз- бекистон Компартияси Мар- казий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институти ўз-

бек тилига таржима қилган. Н. К. Крупскаянинг «Ле- ниннинг инсоний қиёфаси» ва В. А. Карпинскийнинг «Вла- димир Ильич Ленин — до- хий, ўртоқ, инсон» номли китоблари ҳам ўзбек тилида чиқарилди.

Атеизм пропагандистларига ёрдам

«Ўзбекистон» нашриёти атеистик темаларда бир туркум брошюралар чиқар- ди. Уларда исломнинг реак- цион моҳияти очиб ташлан- ган, мамлакатимизда дин- нинг аҳолини сохталашти- рувчи буржуа қаллоблари танқид қилинган. СССРда виждон эркинлигининг кон- ституцион гарантиялари ту-

шунтирилган. Миллий ва ди- ний урф-одатларнинг фарқ- лари белгилаб берилган, диндорлар билан янқа тар- тибдаги атеистик пропаган- дан қандай олиб бориш тўғрисида тавсиялар берил- ган. Брошюралар ўзбек ва рус тилларида нашр этилди. (ЎзТАГ).

ОБ-ҲАВО ВА САЛОМАТЛИК

29 декабрь—4 январь


Семашко номидаги курор- тология ва физиотерапия илмий-тадқиқот институ- тининг директори, Ўзбеки- стон ССРда хизмат кўрас- тан фан арбоби Н. М. Ма- жидов таърири остида.

Ўзбекистон ССР Гидроме- теорология марказининг маъ- лумотларига кўра туғиб бо- раётган 1986 йилнинг сўнги кунлари Ўрта Осиё терри- торияси гарбий ва жануби-гар- бий ҳаво оқимлари таъсири остида бўлади, йилнинг шу авктига нисбатан бироз ис- сикроқ кунлар туради. Херо- рат Тошкентда ва Тошкент об- ластига ҳақаси 0—5 даража, кундузи 9—14 даража иссиқ бўлади. Ёғингарчиликнинг бў- лиши кутилмайди.

Янги йилнинг дастлабки кун- лари Ўрта Осиё территория- сига ўрта кенликдан ҳаво мас- сасининг кириб келиши кут- и-

лади. Кунлар бироз совийди. Ҳафтининг ўртача ҳарорати нормадан юқорироқ бў- лади.

Н. А. Семашко номидаги курортология ва физиотера- пия илмий-тадқиқот институти Медицина об-ҳаво маълумот- лари ва метеопрофилактика марказининг маълумотларига қараганда ҳаво ҳароратининг, атмосфера босими ва ҳаво- даги кислород таркибининг тебраниб туриши одатдаги ди- намикисини сақлаб туради ва иқлим нормасидан кам фарқ қилади. Бундай шартда об- ҳаво ўзгаришларига таъсирчан беморларнинг кайфиятида сал- биш ўзгаришлар содир бўли- ши эҳтимолдан узоқ. Бу де- мак, метеопатик реакциялар- нинг олдини олишга қўрилган махсус чораларнинг қўрилиш- га ҳожат йўқ. Бундай кунларда беморларга организмни ин- тиктиришни давом эттириш, очиқ ҳавода кўпроқ бўлиш тавсия этилади.



ҚАРДОШЛИК ҚОНУНИ БИЛАН

Куба учун Тошкент таъриба ремонт- механика заводи коллективни каноп йиғидаган комбайнлар туркуминини тай- ёрлаб, синовдан ўтказди. КУ-02 марка- ни бу машиналар Атлантика океани орқали Куба республикасига жўна- лади. Тошкент комбайнлари қардош

мамлакатнинг қишлоқ хўжалик коопе- ративларида кенг шўхрат тояпти.

Суратда: каноп йиғиш комбайн- ларни жўнатиш олдидан. Р. Нуралдинов фотоси. ЎзТАГ фотохроникаси.

Хўшхабарлар

Роботлар ёрдамга келди

«Ўзбекхиммаш» заводи- нинг биринчи механика цехи- га роботлар келди. Бу ерда ишга туширилган роботлаш- тирилган комплекс саста- вида рақамли программа би- лан бошқариладиган станок- лар ҳамда икки та автомат манипулятор бор. Энди кор- хонада рақамли программа билан бошқариладиган 32 та

станок ва автомат линия иш- лаб турибди. Бу ерда барпо этилган станоксозлик цехи янги техникани жорий этиш- да ёрдам беради. «Ўзбек- химмаш»чилар йил мобайни- да 38 та эскирган машина- ускуналарни кўчириб олди- лар, икки ва уч смелалаб ишлашга ўтдилар.

Тошкент—жаҳонга

Буюртма бажарилди

Тошкент электроника за- водида Ўзбекистон гидро- курувчиларининг буюртма- лари аниқ муддатда бажар- илди. Қардош мамлакатда қурилатган «ЧИАН» гидро-

узелига электр станциялар- ни бошқариладиган тўққизга панел юборилди. Шу йил ў- тиздан ортиқ мамлакат кор- хона маҳсулотини олди. (ЎзТАГ).

Агрегат станок шарофати

«Технолог» илмий-иш- лаб чиқариш бирлашмасида пармаловчи агрегат станок ўйлаб топилди ва тайёрлан- ди. Энди деталга ишлов оли- бишда уни ҳар сафар олиб қўйиш, керакли ишларни ба- жариш учун асбобларни ўз- гартиришнинг ҳожаати қолмади. Янги станок диска- сийон деталларда пармалаб

бир йўла икки та ёки олти та тешик очиб бера олади. Бу универсал станокда асбобларни совутиш ва қи- риндиларни йиғиб олиш му- аммолари ҳам иккинчи ҳал этилган. Янгилик «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқа- риш бирлашмасида амали- ётга жорий этилиши билан меҳнат унумдорлиги бир

ярим баравар ошди. Маҳсу- лат сифати яхшиланди. Иш маданияти ўсиб, ишлаб чи- қариш майдони анчагина қис- қарди.

Витта станокнинг ўзи йи- лига 54,5 минг сўм иқтисо- дий самара беради, деб мул- жалланмоқда.

Вашингтон. Сена- тор Хауэлл Хефлин АҚШ юстиция министри Эдвин Миздан у 23—24 ноябрь кунлари президентнинг мил-

руҳига «Стингер» типиданги ракеталарни етказиб берган- лиги тўғрисида жўрттага илдмаётир, деб ёзади газета.

Шунинг учун ҳам Жанубий Африка ҳарбийлари ўз гу- машталари билан бирга ёки мустанил равишда Ангола ёки Мозамбик ҳаво кема- ларига ракета отишларини истисно этиб бўлмайди. С. Машел самолёти билан ҳам шундай воқеа юз берган бўлиши мумкин, деб таъкид- лади «Карфур».

Вашингтон. Сена- тор Хауэлл Хефлин АҚШ юстиция министри Эдвин Миздан у 23—24 ноябрь кунлари президентнинг мил-

лий хавфсизлик масалалари билан шугулланувчи собиқ ёрдамчи вице-адмирал Жон Пойндестер ва мил- лий хавфсизлик кеңашчи- нинг собиқ ходими Оливер Норт билан ўтказган сўхбат- ларнинг мазмунини маъ- лум қилишни талаб этиш ниятида аёнчилигини айтиди.

Оқ уйнинг тахминига кў- ра, айти манашу сўхбат- лар чоғида Эронга курул сотишдан олинган кўп мил- лионли маблағлар Никара- гуа контрастарига мах- фий равишда юбориб турил- ганлиги фактлари аниқлан- ган. Деярли эртаси кунийёқ матбурият авж олиб бо- раётган можарони бости-бости қилишга ошқора уришиб,

Пойндестер билан Норт- нинг ишдан бўшатилганли- гини эълон қилди. Ўшан- дай бўлиб улар ана шу иш- ларни амалга оширишда қандай роль ўйнаганли- гини тўғрисида гувоҳлик беришдан қатъийн бош торт- моқдалар. Бироқ сенатор Хефлин қайд этиб ўтгани- дек, улар билан Миза ў- тамаган сўхбатларининг ёзуви Пойндестер билан Норт конгресси четлаб ўтиб, амалга оширилган махфий операциянинг барча тафси- лотларини ихтиёрий равиш- да сўзлаб беришларини кўрсатган тақдирда, улар гувоҳлик беришга мажбур бўладилар. Бундан бош тортган тақдирда Пойн-

декстер билан Норт «кон- гресси тақдирлашда айбла- нишлари ва жавобгарликка тортишлари мумкин».

Ваксилар палатаси юри- дик комитетининг раси- ни Пйтер Родино ҳам Оқ уй- нинг «Эрон — Никарагуа» операциясида шахсан ўзи- нинг ва юстиция министри- ги хизматларининг роилин изохлаб беришни Миздан талаб қилди.

Бироқ, АҚШ юстиция министри, деб хабар қилди Си-Би-Эс телекомпанияси, ўз ихтиёрида бўлган ҳуж- жатларни беришдан бўйин товламақда.

Замондошимиз



ВАҚТДАН ЎЗГАН

Азиза Жуманова 1974 йилдан бери Тош- кент заргарлик заводида ишлайди. У комму- нист, жамоат ишларида фаол иштирок этади, бригада етакчиси.

— Шогирдларинг ўргатган касбининг пухта эгаллаб, ишчи даражасига етганини кўра- нингда беҳад хурсанд бўлиб кетар экансан,— дейди Ж. Хидоятлов. — Азиза меннинг шо- гирдими бўлганлигидан фохрланаман.

Азиза 1986 йил планини муддатидан илг- ри, 10 декабрда адо этди. Ҳозир 1987 йил- нинг январь ойи ҳисобига меҳнат қилмоқда. Уни жамоатчи ва актив коммунист, дедик. Дарҳақиқат, ноқир металлв цехининг участкаларида меҳнат қилаётган Ақром Хантов, Юрий Давидов, Васил Мухаммад- нов, Луиза Умаркуловалар ундан беҳад мин-

натдор. Чунки коммунистлар сафига энди- на қадам қўйган бу ёшлар ундан кўп масла- ҳатлар сўраб туришади. Азиза ҳам улардан ёрдамни аямайди.

— Бригаданиз деярли ёшлардан иборат. Улар меҳнатдан миннатдорман. Касбиниз жуда нозик. Сидқидилдан, бутун аъжуд ва ўткир зеҳн билан меҳнат қилмаса, си- фатли маҳсулот ишлаб чиқариш жуда қи- нини. Ўзининг участка заводнинг энг асосий участкаси ҳисобланади,— дейди Азиза. Бригаданинг Ҳабибулла Исмолов, Андрей Иванов, Равиль Гельфанов, Абдусамад Аб- дуллаев сингари илгўр ишчилар бригада шўхратига-шўхрат қўшмоқдалар.

Г. МАМБЕТОВА.

СУРАТДА: А. Жуманова.

ТАСС ТЕЛЕТАИП ЛЕНТАСИДАН

АДАН. Жанубий Яман энергетикари ўз профессо- нал байрамларини ишлаб чиқаришда янги ютуқлар билан кутиб олдилар. Мамла- катда нишонланаётган энер- гетиклар кунини шарафига АДАН яқинида Совет мутахас- сислари ёрдамида қурилат- ган иссиқлик электростан- циясида марказий ремонт устанонаси ва маъмурий би- но фойдаланишга топширил- ди, иссиқлик электростан- циясининг 25 мегаватт қув- ватли иккинчи агрегати иш- латиб қурилди. Агрегатни лантатиб, синаб

қуриш пайтида ҳозир бўл- ган республика бош минис- три Исин Нўмон совет ва яман ишчилари ҳамда инже- нерлари фидокорона меҳнати натижаларига юксак баҳо берди. У Жанубий Яман энергетикасининг қурилат- ган гигант корхонаси сама- рали ҳамкорлик ҳамда Со- вет Иттифоқи ва ЯХДР халқ- лар дўстлигининг намунаси эканлигини таъкидлади. РАБОТ. Марокаш маъ- мурилари Марокаш тарақи- ёт ва социализм партияси (ППС) матбуот органи «Ал- баён» газетасининг нашр эти-

лишини 1987 йил 10 январ- дан бошлаб яна давом этти- ришга рўхсат бердилар, деб хабар қилди партиянинг бош секретари Али Ята. «Ал- баён»нинг нашр этилишини маъмурилар шу йил 30 ок- тябрда сабабини тушунтир- май, тўхтатиб қўйган эдилар. А. Ята газетани ҳимоя қи- лоиб чиққан Марокаш жа- моатчилиги вакиллари ва мамлакат сёисий куллари миннатдорчилик билдирди. «Ал-баён» газетасининг яна чиқа бошлаши, деб таъкид- лади ППС бош секретари, Марокаш халқининг демокра-

тик ғалабаларини мустаҳкам- ловчи катта ютуқдир.

АНТАНАНАРИВУ. Қўп- дан-қўп фактларнинг далолат беришча, Самора Машел тушган самолёт Америка- нинг «Стингер» ракетасига ўхшаш ракета билан уриб- туширилган, деб ёзади Ма- ркетининг «Карфур» га- зетаси.

Аналайнер фалокати Жа- нубий Африка Республика- сининг ирқчилар ҳарбий об- ъектлари билан гўж-гўж тушган райони устида рўй берди.

Преториянинг пропаган- да машинаси Қўшма Штатлар ЖАР орқали Анголадаги асқилинқобчи УНТАА гу-

ЮКУМЛИ
КАСАЛИК
Американинг 22 штати
ва Колумбиянинг Феде-
раль округида кейинги
кунларда юкумли грипп
тарқалгани маълум этил-
ган.

ЗАУРИ ЙҮК

ЖОНАЖОН БАТАН БҲЙЛАБ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАВАР ҚИЛАДИЛАР



Таллинда «Звезда» эстрада телепрограммаси суратта олинган. У мамлакат телетомошбинларига таллинкаларнинг янги йил совғаси соқиланади.

Ўрнатишда танқили хонадалар ва ансамбллар, сатира ва юмор усталари, бастакорлар иштирок этишяпти.

СУРАТДА: танқили эстрада хонадаси Ирина Понаровская.

Ю. Венделин, В. Рудько фотоси.
ТАСС фотохроникаси.

◆ **ДАЛЬНЕГОРСК** (Приморье ўлкаси). Узоқ Шарқнинг минерология картасида янги қалайи ва полиметалл руда конлари пайдо бўлди. Приморье Дальнегорск экспедициясининг геологик разведкачилари шарқий Сихотэ-Алинь этакларида қудуқлар қазиб рангли металлургия кончиллик корхоналари учун қимматли хом ашёнинг ер ости хазиналари миқдосини белгиллаб чиқдилар.

◆ **ЗАПОРЖЬЕ**. Запорожьеда бўлиб ўтган ярмакча област корхоналари учун ишбилармонлик ва омидорлик намунаси бўлди. Махаллий Советларнинг депутатлари област корхоналари бўйлаб оммавий юриш чоғида топишган нормадан таъқари хом ашё ва материал запаслари шу ерда олди-соти қилинди. Натияжада ўн миллион сўмлик «беқор ётган» бойликлари ишга солинди.

◆ **ЛЕНИНГРАД**. Ленинград юнга газлама ва техника газламаси комбинатининг ёш мутахассислари кичиктоиларга яхши соғва тайёрладилар — улар оригинал моделдаги болалар кийим-кечаларини ишлаб чиқдилар. Корхонада шу мақсулоти ишлаб чиқарувчи комсомол-ёшлар уюшмаси ташкил этилди. Янги мақсулотлар унча қиммат эмас. Улар тўқимачиларда латхат бўлиб қолувчи 2 метргача узунликдаги газламадан тикилган. Комбинатда латхатлар ишга солинган, шу йил охиригача 200 минг сўмгача фойда олинди — бу ерда «Ленинград савдо уйи» фирмаси билан шунча сўмлик шартнома тузилди.

◆ **МОЗИРЬ** (Гомель области). Мозирь мелiorатив машиналар заводининг кўпгина ишчи ва хизматчилари кўнгли равишда бинокорлик ишлари билан шуғуллана бошладилар. Корхона шахарда бирикчилардан бўлиб уй-жойларни хўжалик усули билан қуришга киришди. Машинасозлар коллектида уй-жойларга муҳтож кишиларнинг ҳаммасини 1993 йилгача таъминлаб бўлишга қарор қилилди. Уларнинг ташаббусини Белоруссия Компартияси Марказий Комитети маъқулади.

◆ **НОВОАЛТАЙСК** (Олтой ўлкаси). Олтой вагонсозлаш заводида янги модификациядаги юк ташийдиган вагонларни қўлаб ишлаб чиқариш белгиланган муддатдан барвақт ўзлаштирилди. Бундай вагонлар аввалгиларига нисбатан анча сиғимдор, фойдаланиш учун қўлай ва ишончлидир. Янги вагонларнинг дастлабки туркуми давлат қабулидан муваффақиятли ўтди. Биринчи январдан бошлаб корхонанинг бутун мақсулоти назоратнинг ана шу формаси орқали ўтказилган бўлади.

◆ **НИКОЛАЕВ**. Николаев астрономия обсерваториясининг мутахассислари киевлик ва қозонлик ҳамкасблари билан биргаликда ишлаб чиққан «Парсек» прибори юлдузларнинг фотографик каталогларини яратилиш жадаллаштиришга ёрдам беради. Аппарат олимларнинг ни самарасини ўн баравар оширади.



Москва. М. Горшкин номидagi МАХАТ филалнинг сахнасида А. Галининнинг «Тамара» спектакли-юмеси и с сахнага қўйилди. Постановкачи — М. Гинкас, расм — Д. Баровский.

«Тамара» спектакли икки тўй ҳақида ҳикоя қилади. Аммо унинг мазмун одатдаги тўй тантанасини кўрсатишдан иборат эмас, балки унда муҳим муаммо кўтарилди, талант ва нобилити бўлган кишиларнинг беҳуда инирчинлар билан ўралашиб қолишлари ҳикоя қилинади.

СУРАТДА: ана шу спектаклдан бир сахна. Нина ролада РСФСРда хизмат кўрсатган артист Е. Проклова.

В. Егоров фотоси.
ТАСС фотохроникаси.

◆ **ТИРАСПОЛЬ** (Молдавия ССР). Тирасполь ил-газлама бирлашмасининг коллективи 1995 йилга бориб ҳар бир оилани шинам квартира билан таъминлаш ваъдасини ҳал қилмоқда. Белгиланган программанинг бажарилиши объектларини бир маромда қуришни гарантиялайди. 72 квартиралар уй, социал-маданий, маънавий ва болалар богчаси бинолари фойдаланишга топширилди. Яна учта уйнинг лойиҳаси тайёр қилиб қўйилди. Уй-жойларни қуриш хўжалик ва кооператив усулида олиб борилмоқда.

◆ **УСТЬ-КАМЕНЕГОРСК**. Шарқий Қозогистон шахарлари аҳолиси учун бинокорлик материалларини сотиб олиш муаммо бўлиб қолди. Энди гипс, цемент, бетон, металл буюмлар ва дурадгорлик буюмларини ихтисослаштирилган магазинлардан сотиб олиш мумкин. Яқин орада ана шундай магазинлар остидаги қишлоқ районларида ҳам очилди. Депутатларнинг ташаббуси билан шахсий уй-жойлар қурилишида ва квартираларни ремонт қилишда фойдаланиш мумкин бўлган чиқиндилар ҳужжатлаштирилди, таъкилотларда ва корхоналарда бинокорлик материалларини тежаш имкониятлари таҳлил қилинди. Махаллий Советларнинг ижроия комитетлари ана шундай материаллар магазинларга мунтазам равишда келтириб турилиши устидан назоратни ўз зиммаларига олдилар.

◆ **ОРЕЛ**. Область марказидан сал наридаги Ока дарёсининг ҳушманавари соҳилида янги санаторий-профилакторий корпуслари қал қўтарди. Шифохона К. Н. Руднев номидagi Орел бошқарувчи ҳисоб машиналари заводи-нинг касабаси союзи маблагларига қўрилди. Эндликда завод меҳнатқилари ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда зарур лаволаш курсидан ўта оладилар. Ҳозирги вақтда областдаги барча катта-катта саноат корхоналарининг ўз профилларидаги ва дам олиш базалари бор. Ҳар йили бу ерда 10 минглаб ишчи дам олади ва соғлигини мустаҳкамлайди.

◆ **КИРЕЕВСК** (Тула области). Бу ерда район ижроия комитетининг масъул ходимлари граждандарни қабул қилишининг янги усулини синаб кўрдилар. Телефон ёнида маълум соатларда район ижроия комитети ва унинг ўринбосарлари навбатчилик қиладилар. Шу пайтда район хизматларининг бошқилари ўз ўринларида бўлишлари керак. Кўпгина масалаларни дарров ҳал этиш мумкин бўлипти, баъзилари назоратга олинган. Биронта ҳам илтимос жавобсиз қолмайтпти.

ШУҲРАТ ОРДЕНИНИНГ ТЎЛА СОҲИБИ

Сўнмас у кунлар шухрати

Михаил Васильевич Уткин 1923 йилда Куйбисhev областининг Сизран райондаги Косточи қишлоғида темирйўлчи оиласида туғилди. Етти йиллик мактабни тамомлаб, темир йўл транспортда автоматчи-слесарь бўлиб ишлаб бошлад.

1942 йилда Совет Армияси сафига қақирлиб, девярли Улуғ Ватан урушининг охиригача фронтда бўлди. Ёзуз душманга қарши олиб борилган жангларда кўрсатган жасорати учун Шухрат орденининг тўла кавалери бўлган.

М. В. Уткин 1946 йилда Совет Армияси сафидан бўшаб, Тошкентга келди. Қарийб 40 йилдан бери «Ташкентстиль-маш» заводининг темирчилик-пресслаш цехида меҳнат қилиб келмоқда. У Иттифоқ аҳамиятидаги пенсионер бўлишига қарамай, меҳнат фойлиятини давом эттирмоқда.

Михаил Уткин хизматини 243-ўқчи дивизия составидаги 303-алоҳида қирувчи — танкага қарши отувчи дивизияда бошлади. Аввало улар ит қорнига 5-килограмм кум солинган қопин боглаб, матълум томонга югуриб қўлатишди. Бунинг учун кўп вақт талаб қилинмади. Шундан кейин бирга олиб юрвчи кишига ўрганган ит ундан ажралмас, кўрсатилган томонга ҳо-

жиржавоблик билан югуриб борар эди. Шунга кўра ит етакловчи жангчи ўт очиш позициясида ўзига ҳам, итга ҳам алоҳида окоп қазир эди.

1943 йилининг августида душман қарши ҳужумга ўтди. Пидёларнинг олдида иккита ўзюрар замбаран пайдо бўлди. М. Уткин уларнинг ақиллашини кутди. Орадаги масофа 50 метрга келганда итни қўйиб

юборди. Кучли портлаш рўй берди. Гитлерчилар эсанкираб қолишди. Улар орқага қочиб режасини туза бошлад.

Шу пайт Михаил автоматидан ўт очиб, чекинаётган гитлерчиларни қира бошлад.

У ўзюрар замбарани портлатгандан кейин 7 гитлерчини гумдон қилиб, қарши ҳужумнинг қайтарилишига салмоқли хисса қўшди. Ново-Троицкое хутори районидаги жанг да ҳам зўр матонат кўрсатди. Чап қўлидан ярадор бўлганлигига қарамай, олдинги маррадан кетмади, автоматдан ўт очишнинг давом эттириб, 11 гитлерчини жаҳаннамга жўнатди. 1943 йил 27 августдан 1944 йил 2 январгача бўлган муддатда 29 босқинчининг ер тиллашти, 2-гвардиячи армия қўмондониди довжорак жангчи Михаил Ва-

сильевич Уткинни 1944 йил 2 январда учинчи даражали Шухрат ордени билан мукофотлади.

Куз фасли ҳукумронлигини ўз қўлига олган. Тез-тез ёмғир ёғиб турибди. Хваловише қишлоғида май-далаб ёғатган ёмғир кучайиб кетди. Траншея атрофи лой бўлиб, кийимлар оғирлашиб қолди, нам баданга ҳам етиб борди. Шундай мураккаб шароитда гитлерчилар қарши ҳужумга ўттишди. Жангчилар дарҳол ҳамма нарсани унутиб, эътиборни душманга зарба беришга қаратишди. Михаил ҳам бўш келмади. Автоматдан ўт очиб, 4 гитлерчининг ер тиллашти. Мудофаада турилган май-июнь ойларида «ов» билан шуғулланган Михаил снайперлик милтиғ билан 13 гитлерчининг гумдон қилди. Ўзюдор

командири лейтенант Терешченко ярадор бўлганда Уткин унга биринчи ёрдам кўрсатиб, бехатар жойга олиб чиқди ва ўлимдан сақлаб қолди. Армия қўмондониди 1944 йил 15 октябрда М. Уткинни иккинчи даражали Шухрат ордени билан мукофотлади.

М. Уткин 253-ўқчи дивизия составидаги 983-ўқчи полкда хизмат қилаётган кезларда ҳам мардлик ва довораклик билан жанг қилди. Душман қарши ҳужумга ўтганда биринчи бўлиб кўтарилиб ва сафдош ўртоқларини олға боришга ундади.

«Ватан учун олға, ўртоқлар!»

Бундан рухланган бир гуруҳа жангчилар олға ташландилар ва қарши ҳужум қилиб келатган гитлерчилар занжирига етиб бориб,

юзма-юз жангни бошлаб юборишди. Шу пайт портлаган снаряд парчаси унинг кўкрагига санчилиди, ярадорлигини писанд қилмай, олға силжишни ва ўт очишнинг давом эттирди. Унинг жасорати взвод жангчиларини руҳлантириб юборди. Шу жангда взвод азаматлари душманининг 23 солдат ва офицерини қириб ташладилар. М. Уткин беш фашистнинг ер тиллашти, уч гитлерчининг асир олди.

СССР Олий Совети Президиумининг 1945 йил 10 апрелдаги Фармони билан Михаил Васильевич Уткин биринчи даражали Шухрат ордени билан мукофотланди.

М. САМАДОВ,
Улуғ Ватан уруши иштирокчиси.

Ўзбекистон табиати



Ўзбекистон журналистлар союзи биринчи марта нашр этган 1987 йилги ўқувчи календарини шундай деб номланган.

Мамлакатимизда атроф-муҳит муҳофазаси ва табиий бойликлари билан оқилонга фойдаланиш муҳим иқтисодий ва икитимий вазифадир. Партия ва ҳукуматимиз табиат муҳофазаси тўғрисида доимо ғамхўрлик қилиб келмоқда.

Ўзбекистон ҳайвонот ва ўсимликлар оламига гўлтида бой, — дейди муҳбиримиз билан суҳбатда ана шу календарь /сўзлари ва фотобезаклари муаллифи В. А. Моисеев. Касбим қурувчи бўлса ҳам кўп йиллардан буён табиатнинг муъжизали дақиқаларини суратга олиш билан шуғулланаман. Табиатга бўлган муҳаббат мени чинкакам саёхатларга чорлади. От миниб баланд тоғларга кўтарилишим, юзлаб метр плёнкага ажойиб суратлар туширишим.

Биз нашр этган рус ва ўзбек тилларидаги бу календарини тайёрлаш борасида ижодий коллектив катта ишлар олиб борди. Унинг ҳар бир мақоласини биологик фаиллари доктори А. Э. Эргашев, биология фаиллари кандидатлари Х. М. Омонов, Э. В. Ваведков ва К. С. Самадов тақриз қилиб бердилар.

Чиройли ва ранг-баранг қилиб безаётган бу календарда катталар ва болалар ҳам булутлар бағридаги чўққиларда яшовчи ҳайвонот олами ҳақида қизиқарли мақолаларни ўқидилар. Олой ва Туркистон тоғ чизмалари ва Фарғона водийсининг тоғларида кент ёйилиб кетган арчазорлар, қуёш меваси деб аталган чаканда ҳақида қизиқарли мақолалар берилган. Табиат календарини varaқлаган киши туялар ва оқ лайлаклар, қушлар маконлари ва тоғ чўққиларида қулоч ёзган ўсимликлар ҳақида қизиқарли маълумотлар билиб олади.

Табиат календарини тузувчи муҳаррир И. А. Морозов, бадий муҳаррир В. А. Хайбуллин, техник редактор А. Горшкова, безакчи расмчи Э. И. Исҳоқова. Календар 200 минг нусхада нашр этилди.

Субҳидам олис-олислардан эшитилган оромбахш куй дилларга қўйилиб, ҳаёл қиётида қуни кеча кўрғандаримиз — Ҳиндистоннинг ҳамма богларига, мафтунидор хил-бонларига, тағир дариёсининг сўлим соҳилларига, кўз-қизакор Тоғмаҳал, Лалъа қалъа обидаларига чорлайди. Ҳа, Ҳиндистоннинг куй-қушқидек ранг-баранг, бўлоқ сувидек тиний, ҳайратомуз манзил, манзаралари, қошона, ёдгорликлари бесаноқ. Ўзига хос кийинган, минг бир касб-хўнар билан маншуд одамларини айтмасанми. Шарқ фалсафасидек содда ва теран, ниҳоятда нозик ва мураккаб ҳаёт қайнайди бунда. Аммо кўнглининг дилида ҳам тилида, ҳар қандамда, жабҳада Ҳиндистон мустақиллақчилиги асоратидан халос бўлиб, мустақилликка етишган, салкам қирқ йилда эришган ривожланиш нишонлари, тараққиёт, ўсиш, ўзгариш, етишқолган фаворон ҳаётга умид намойиш.

Бу ҳайрли намойишликни биз дахлдор бўлганимиз совет делегацияси қаторида Бутуниттифоқ авторлик ҳуқуқлари агентлигининг вакиллари сафида иштирок этганимиз Янги Дехлида ўтган Халқаро китоб ярмаркасида ҳам аққол кўрдик. Совет Иттифоқидagi қардош халқлар адабиёти, фани ва санъати асарларидан намуналар қўйилган пештахталар, қатор нашриётлар рус, ҳинди, урду, телугу, тамил ва бошқа тилларда чоп этилган китоблар, альбомлар тейилган жаваблар қаршида бирон соат Ҳиндистонлик ёш қари, аёлу эркак зиндилари, ишчи-хўнармандлари, деҳқонлари аримайди. Улар совет муаллифларининг китобларини зўр иштиёб, ташналик билан харид қилдилар. Айнаса болаларга атаб чиқаришдан, чиройли безаётган китобчалар кўпчилигининг эътиборини қозонди.

Кийим-бошдан деҳқонлиги биланлиб турган ҳинди суҳбатга тортаман. У ҳозиргина сотиб олган, «Ленин ҳақида ҳикоялар» тўпламининг кўз-қў қилиб, фахр билан сўзлайди:

— Ўзим саводсизман. Очигини айтсам биринчи марта китоб сотиб оlishим. Фарзандимга. У мактабга боради, ўқийни билади. Ҳозир китоб олишга қурибман етди.

Меэбонларимизнинг Совет Иттифоқи ва Ҳиндистон ўртасида йилдан-йилга кенгайиб бораётган дўстлик ҳамда маданий алоқалари тўғрисидаги, Ҳиндистон ва Ўзбекистоннинг қадим замонлардан давом этиб келатган ўзаро яхши ният муносабатлари, икки халқнинг урф-одатлари, санъатларида кўпгина муштараклик борлиги ҳақидаги эътирофлар ёшмига келди. Йўлларни тутатиришда, дилларни пайванд этишда олтин ҳалқа бўлган ўтмиш ва ҳозирги улуғ сўз усталарини, давлат, фан ва маданият арбобларини, дўстлик ва тинчлик элчиси бўлган йирин кичикларни баробар олаб, аввалданганимиз кўз ўнгимизга гавдаланди. Ҳа, ўрта асрдаги босқинчилик урушлари, истилолар натижасида ватанларидан кетинга мажбур бўлган Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний Ҳин-

дистондан бошпана топгандар, шунингдек Амир Хусрав Дехлавий, Бадриддин Чоғий, Бедил сингари фозиллар, шоирлар, санъаткорлар яшаб, ижод этгандар. Асрлар давомида маънавий бойликлари намуналари, кўлэзма китоблар, санъат буюмлари Ҳиндистонга ўтган ва улардан бизга келиб турган. Ўзбек китобхони Ҳиндистонда — IV асрларда яратилган юксак нафосат ва мангу хизмат обидаси «Калила ва Динна»ни, улуғ шоир Рабӣндранат Тагор асарларини қадимдан ўз тилида ардоқлаб ўқиб келад.

КПСС Марказий Комитети Бош

ГАНГ ДАРЁСИ СОҲИЛАРИДА

Публицистика

секретари М. С. Горбачевнинг Ҳиндистонга қилган сафари кўрсатадиган, бу мамлакатнинг жаҳон тарихий жараёнидаги роли юксак, ҳинд ватанпарварларининг мустақиллақчилига қарши мардона ҳаракатларини бир неча бор қайд этган бутун дунё меҳнатқашларининг буюк йўлбошчиси Владимир Ильич Лениннинг ядраси билан мустақиллақчилик борган Совет Иттифоқи ва Ҳиндистон ўртасидаги дўстона алоқаларининг эртаси тағин ҳам нурлидир. «Бизнинг илмий-техникавий алоқаларимиз, маданият соҳасидаги ҳамкорлигимиз ва туризм кенг қўлашда ривожланиб бормоқда», — деб таъкидлади ўртоқ М. С. Горбачев. — Бу халқларни яқинлаштириш, уларнинг дўстлигини мустаҳкамлайди. Бу борада бошқа тадбирлар қатори Халқаро китоб ярмаркасининг роли шубҳасиздир. Янги Дехлида ўтган ярмакда совет муаллифларининг асарларини Ҳиндистонда, Ҳиндларнинг Совет Иттифоқда чоп этиш ҳақида ҳам келишиб олинди. Ҳинд ношirlарига совет олимларининг табъат, социал, техника фаилари соҳасидаги янги асарлари, бадий адабиёт намуналари тавсия этилди. Ўзаро ҳамкорлигини кенгайтиришга эътибор берилди. Бу музокаралар 1987 йилда Москвада очилган Халқаро китоб кўргазмаси-ярмаркасида давом эттирилди. Совет муаллифларининг китоблари орасида Ойбекнинг «Навоий», Комил Яшиннинг «Хамза», Асқад Мухторнинг «Она-сингиллар», «Чинор», Ойди Ёкубовнинг «Диянат», Улуғбек ҳажинаси» романларини, Пиримқул Қодиров, Темур Пулат, Латиф Маҳмудов, Раим Фарҳодий, Маҳ-

жакдаги ҳамкорлик ҳамда чиқариладиган китоблар тўғрисида келишиб олинди. Ўзбек совет адабиёти намоёндаларининг асарлари Ҳиндистонда кўп жилдлик ҳамда алоҳида тўпламларда босилган бўлди. Ярмакда қуриларида Ҳиндистон ва Совет Иттифоқи маданий ҳаётида муҳим воқеага асос солинди. «Совет ва Ҳинд XX аср адабиёти кутубхонаси»ни тайёрлаш ва нашр этиш ҳужжати имзоланди. Бу ҳужжатга мувофиқ рус тилида илгөр ҳинд ёзувчиларининг йигирма жилд асари, ўз навабатида Ҳиндистон китобхонини учун совет муаллифларининг йигирма жилд асари чиқариладиган бўлди. «Совет ва Ҳинд XX аср адабиёти кутубхонаси»нинг дастлабки намуналарини Ҳиндистон мустақиллигининг 40 йиллигига ҳамда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигига бағишлаб нашр этиш мўлжалланмоқда.

Келажакда икки мамлакат муаллифларининг асарларидан иборат «Болалар адабиёт кутубхонаси», «Классик адабиёт кутубхонаси»ни нашр этиш ҳақида ҳам келишиб олинди.

Икки мамлакат ўртасидаги дўстона алоқаларни мустаҳкамлашда ношirlарнинг, фан, адабиёт ва маданият ходимларининг ўзаро шахсий учрашувлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шу асосда Бутуниттифоқ авторлик ҳуқуқлари агентлигининг маълумоти билан Ўзбекистон республика бўлини ярмакда қатнашган Ҳиндистон нашриётлари вакиллари республикага тақдир этилди. Яқинда улардан бири — Ҳиндистондаги «Агриколс» нашр фирмасининг

— Совет Иттифоқда, шу жумладан Ўзбекистонда маълумотида учун дамунга, таърибга нақтари бўладиган ишлар кўп. Бошқа воситалар қатори китоб орқали уларни ҳинд халқига етказиш ниятидир. Биз совет халқининг ҳаёти, унинг тарихи, маданияти, адабиёти билан яқиндан танишини истаймиз. Ҳар бир китоб, мақола мамлакат, унинг халқи ҳаётини акс эттиради, юрт ойнаси деса бўлади. Бинобарин совет адабиёти — адолат ва яхшилик тисмоли, дўстлик ва тинчлик элчиси. Биз рус тилини ўрганамиз, рус ва совет музикасини эшитамиз. Ташрифидан хурсандман, айтадиларки — минг марта аштандадан, бир марта кўрган яхши, деб...

Ўртоқ М. С. Горбачевнинг Ҳиндистонга қилган сафаридан унинг ҳаётбахш натижаларидан мамнун бўлган минг-кинглаб жамоатчилик вакиллари қатори, машҳур ҳинд кино артисти, парламент аъзоси Амитабх Баччан юрак сўзларини шундай ифодалади:

— Ҳиндистон учун КПСС Марказий Комитетининг Бош секретарини кутуб олиш юксак шарафдир. Мамлакатларимиз ўртасида дўстлик ҳамда яхши йўлга қўйилган ҳамкорлик қадимдан мавжуд. Билгандек биз ўзаро алоқаларини янги шакл ва йўлларини излашимиз, мустаҳкамлаб, боришимиз зарур. Ҳиндистон билан СССР ўртасидаги иқтисодий, маданиятлар, фетициаллиги ўзгаришларга тузилганлиги, икки мамлакат санъати ва маданияти арбоблари кўндан бери кутаётган муҳим воқеадир.

Аргамчига қил қувват, дейдилар. Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон ўртасида иқтисодий ва маданий алоқалар тобора ривожланиб бораётган бир пайтда, Ўзбекистон фан, адабиёт, санъат ходимларининг, ношirlарининг ва бошқа тармоқ вакиллари билан бошқа қўнаётган ҳиссам катта ва муҳим аҳамиятга моликдир.

Р. РАХМОНОВ,
Бутуниттифоқ авторлик ҳуқуқлари агентлиги Ўзбекистон республика бўлимининг бошлиғи, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими.

Чет эл матбуоти саҳифаларида

Афғон кино санъати

Бугунги кунда Афғонистон Демократик Республикаси кинематографияси томонидан яратилган ҳужжатли, оқ-қора, кенг форматли рангли бадий фильмлар шарқ киносанъатини янада бойитган ҳолда, ўзига хос эътибор қозонмоқда.

Афғонистон Демократик Республикаси гарчанд аш бўлса-да, аммо бу мамлакатнинг миллий маданияти, санъат ботида қўлга киритилган ижодий ютуқлари йил сайин ёрқин намоён бўлаяпти. Бу республиканинг қўшни дўст мамлакат — СССР ва бошқа социалистик давлатлар билан тараққиёт ўстагини маданий ҳамкорлиги ўз самарасини бераёттир. Хусусан, «Кобулда иссиқ ёзи», «Афғонистон — революция давом этади», «Афғонистон, 1985 йилининг куз фасли» сингари фильмлар совет — афғон санъаткорларининг биргаликда олиб борган изланишлари самарасидир.

Бир неча йилдан бери совет олий ўқув юртиларида кўпалаб афғонистонлик йигит ва қизлар киноистрат, постановкачи, режиссёр, кинооператор, рас-

сочиллик каби иттисоқликлари тизилган, оне-ватанга буюк мақсад йўлида илгор тажрибалар билан қайтмоқдалар. Шу йил октябр ойида Совет ҳукумати томонидан 22 та ҳаракатланувчи киноустановка, кўп миқдорда кино ҳамда фотоматериаллар, ушбу соҳа учун ўқув қўлланмалари соғва қилинди.

Афғон ишлари Советлар мамлакатига таълим олиб, бугунги кунда машҳур кинематографчи ёки маҳорат эгасига айланган Хусроно, Жумладан Хорезмийнинг қўшни дўст мамлакат — СССР ва бошқа социалистик давлатлар билан тараққиёт ўстагини маданий ҳамкорлиги ўз самарасини бераёттир. Хусусан, «Кобулда иссиқ ёзи», «Афғонистон — революция давом этади», «Афғонистон, 1985 йилининг куз фасли» сингари фильмлар совет — афғон санъаткорларининг биргаликда олиб борган изланишлари самарасидир.

Бир неча йилдан бери совет олий ўқув юртиларида кўпалаб афғонистонлик йигит ва қизлар киноистрат, постановкачи, режиссёр, кинооператор, рас-



«Ҳиндистоннинг яшил посбонлари».

М. Нуриддинов фототўюди.



Ёшларнинг эстетик руҳда тарбиялашда шахримиздаги Глиэр номи республика музыка мактаб-интернати дарслар кўргазмалари ва сифатли ўқувчилар.

СУРАТДА: С. Абсаломов ўқувчилар билан машғул ўтказиб турган пайт.

Р. Альбеков фотоси.

СУЗИШ ҲАВЗАСИГА МАРҲАМАТ

«Меҳнат резервлари» кўнгли спорт жамияти спорт комплекси ходимлари шу кун талабларидан келиб чиққан ҳолда жисмоний тарбияни меҳнатқилар саломатлигини мустақамлаш маънаси айлантириш учун кўпгина тadbирларни амалга оширишмоқда. Бу ҳақда сузиш ҳавзасининг катта инструктори Анатолий Чепрунов жамоатчи муҳбиримиз Р. Ибрагимовга кўйидагиларни сўзлаб берди.

— Кейинги пайтда сузда сузиш спортининг энг оммавий турларидан бирига айланди. Саломатлигини мустақамлаш ниятида бўлган ишчилар, хизматчилар, студент ва ўқувчилар учун бизнинг ҳавзамиз жуда қулай. Чунки, қҳратон совуқда ҳам ҳавзадаги суз илиқ бўлади. У махсус мослама ёрдамида иситиб турилади.

Кейинги икки йил давомида саломатлик гуруҳларида шуғулланувчилар деярли икки ҳисса кўпайди. Спорт комплекси қишдаги секциялар машғулотларини тажрибали инструкторлар олиб бор шмоқда. Бу ерда айни пайтда медицина-биология маркази ҳам мавжуд. Вrachлар қатнашчилар саломатлигини кўздан кечириб, аниқ йўл-йўриқлар беришади.

Мутахасссларнинг фикрига қараганда, сузиш билан шуғулланиш организмни чиққтиришга ёрдам беради. У айни пайтда юрак хасталиги, склероз, аритмия, қон босими жиддий тан жароҳатларини даволашда муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Саломатлик гуруҳларидаги машғулотлар ерталаб ва кечкурун музика ёрдамида ўтказилади. Яқшанба кўни ўткази-

лаётган машғулотларга ота-оналар ўз болаларини ҳам олиб келишмоқда. Яъни, бутун оила билан машғулотларда қатнашиш имкони бор.

Яъни ўн-ўн беш йил муқаддам ишчи ва хизматчиларнинг жисмоний тарбия билан шуғулланиш учун база етишмаётганлиги ҳақида қайғуриб гапириларди. Ҳозир эса барча иншоот ва анжомлар мавжуд. Шундай экан базадан муқим қадар унумли фойдаланиш, жисмоний тарбияни меҳнатқиларнинг саломатлигини мустақамлашга хизмат қилдириш бизнинг асосий бурчимиздир. Бутун фаолиятимизни ана шу мақсадга қаратмоқдамиз. Сузиш билан шуғулланиш иштиёқи бўлган ҳар бир киши хизматимиздан фойдаланиши мумкин.

Ҳар тўғрида

ЧИНҚИРАДИГАН СОЯВОН

Соявон қутурган қишлоқ итларидан ноилж ҳимояланиш воситаси сифатида қадимги Хитойдаёқ қўлланиларди. Уша даврдан бери соявонлар қўллашга ишончилиги ва қўланилиши оширилиб, тақомиллаштирила борилди. Итлар ҳақида ҳам унутмадилар. Канада почта бошқармаси ўз ходимларига янгилик: «Чинқирадиган соявон» тақлиф этдилар.

Соявондаги кнопка босилса, дастасига ўрнатилган махсус қўрилма тўрт оёқли дўстларимиз учун фавулодда ёқимсиз товуш чиқаради. Ихтирочиларнинг ҳисоблашларича, бундай соявонлар қишлоқ почталовчилари учун жуда зарур, қайсики уларнинг кўплари ҳар йили ит қопшидан жабрланадилар.

УКРАИН ЧОЙИ

Украинада саломатлик учун фойдали, хушбўй таъмли чой ишлаб чиқариши киришилди. Бу украин чойи асосан одам-

лар учун зарур бўлган ўт-ўланлардан, ўрмон дарехти меваларидан тайёрланмоқда. Ивано-Франковск областида ишлаб чиқарила бошланган «Яремча» маркали чой қизил-пояна (зверобой) ҳамда наъматак (шиповник), четан (рябина) дарехти меваларидан тайёрланган.

ЕЗУВЧИ «ЛОЙИХАЛАРИ» БЎЙИЧА

Франциянинг тарихий шаҳри Амбена Жюль Верн

Чемпионлар аниқланди

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг спорт залида бадминтон бўйича ўтказилган республика биринчилигида 60 дан зиёд спортчи иштирок этди. Беллашувлар чоғида тошкентлик спортчилар ахши тайёргарликка эга эканликлари намойиш қилдилар. Жумладан, Алишер Зоҳидов ва Галина Козина шахсий ҳисобда республика чемпиони унвонига сазовор бўлдилар.

Эркаклар жуфтликда ҳам омад тошкентликларга ёр бўлди. Бу сафар фахрий шохсупанинг энг юқори поғонасига Алишер Зоҳидов ва Олег Саватюгин кўтарилди. Аёллар жуфтликда эса Галина Козина ва Варвара Соловьева ана шундай шарафга мувоассар бўлди.

Ҳаётининг сўнгги эллик йилни яшаб ўтказган. У ерда машҳур фантаст адиб «Лойиҳаларига» мувофиқ келажак шаҳарини қуриш мўлажаллади. Қирқ гектардан ортиқ майдон Жюль Верн асарларида учрайдиган фантастик бино, нема, ҳаво шарлари ва бошқа техник иншоотлар билан қопланади.

Редактор

Т. М. ҚОЗОҚБОВ.

ТЕАТР

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ҲЗ. БЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 29/ХІІ да Аршин мол-олон, 31/ХІІ да Оптик даврим (16.00).

КИНО

29 ДЕКАБРДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«СЕВГИ АНАТОМИЯСИ», «ҚУМ ҚАРЬЕРИ ГЕНЕРАЛЛАРИ» — Лисунов номли (телефон 96-34-02).

«КАТТА АЙИҚ ФАРЗАНДАЛАРИ» — Восток (телефон 91-14-61).

«УЧ МУШКЕТЕР» — Тинчлик (17.35, 20.45).

«ЭПИРИЛИШ» — Искра (телефон 39-14-59).

«МАХФИЙ ТАЖРИБА» — ВЛКСМ 30 йиллиги (жуфт соатларда, телефон 33-41-83).

«РЕЗИДЕНТ ОПЕРАЦИЯСИНИНГ НИХОЯСИ» — Чайка (16, 18.30, 21.00).

«ТОШЛОҚДА ҲАМ ДАРАХТ УСАДИ» — Санъат саройи (17, 20.00).

«РАҚСГА ТУШИШНИ УРГАН» — Москва (тоқ соатларда, сўнгги сеанс 20.40 да).

30 ДЕКАБРДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«СЕВГИ АНАТОМИЯСИ», «ҚУМ ҚАРЬЕРИ ГЕНЕРАЛЛАРИ» — Лисунов номли (телефон 96-34-02).

«КАТТА АЙИҚ ФАРЗАНДАЛАРИ» — Восток (телефон 91-14-61).

«УЧ МУШКЕТЕР» — Тинчлик (11, 14.30, 17.35, 20.45).

«ЭПИРИЛИШ» — Искра (телефон 39-14-59).

«МАХФИЙ ТАЖРИБА» — ВЛКСМ 30 йиллиги (жуфт соатларда, телефон 33-41-83).

«РЕЗИДЕНТ ОПЕРАЦИЯСИНИНГ НИХОЯСИ» — Чайка (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

«ТОШЛОҚДА ҲАМ ДАРАХТ УСАДИ» — Санъат саройи (11, 14, 17, 20.00).

«РАҚСГА ТУШИШНИ УРГАН» — Москва (тоқ соатларда, сўнгги сеанс 20.40 да).

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Катта янги йил томошалари (29/ХІІ да 17, 19.30 да).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

ЯНГИ ЙИЛ КАТТА ЦИРК

ТОМОШАЛАРИ

А. Горохов

«КОРА ҚАЛБА СИРНИ ЕКИ БУРАТИНОНИНГ ЯНГИ САРГУЗАШТИРАИ» Корбобо, Қориз, «Арлекино» масхарабозлар гуруҳи, ўратилган хайвонлар ва бошқа эртак қаҳрамонлари иштирок этади.

Томошалар: 29 декабрда — соат 17.00, 19.30 да; 30 декабрда — соат 10.30, 12.30, 15.17.00, 19.30 да; 31 декабрда — соат 10, 12.30, 14.45, 17.00 да; 1 январдан 11 январгача — соат 10, 12.30, 14.45, 17, 19.30 да бошланади.

Касса ҳар кўни соат 10 дан 20.00 гача очiq.

Коллектив бўлиб тушиш учун заявкалар қабул қилинади.

Справкалар учун телефон: касса — 44-35-91, администратор — 44-35-84.

ТОМОШАВИНЛАР

ДИҚҚАТИГА! ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА

1986 йилнинг 3 декабр кўни қўйилган «КЕЛИНЛАР ҚЎЗҒОЛОНИ» спектакли 31 декабр соат 18.00 да намоиш қилинади. 3 декабр учун олинган билетлар билан 31 декабрда бўладиган спектаклга кириш мумкин.

реклама ЭЪЛОНЛАР реклама

«Ташқоробуьрембит» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва Ўзбекистон ССР маиший хизмат министрлигига қарашли ТОШКЕНТ ШАҲАР ЎЎВ-КУРС КОМБИНАТИ пойафзал ремоти ва якса тикув усталари тайёрлаш учун ҚЎШИМЧА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўқини муддати — 12 ой. Машғулотлар 1987 йилнинг 4 январидан бошланади. Тошкент шаҳрида прописида бўлган, Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти сафларида хизматни ўтаб қайтган йигитлар қабул қилинади. Қабул суҳбат йўли билан ўтказилади. Ўқувчиларга 60 сўм стипендия тўланади. Ўқини даври узлуksиз меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Амалий машғулотлар тажрибали усталар томонидан Пойафзал уйида ўтказилади.

Кириш учун кўйидаги ҳужжатларни топшириш зарур: ариза, паспорт, ҳарбий билет, маълумоти тўғрисида гувоҳнома, яшаш жойидан ва медицина справкиси (086/У форма), меҳнат дафтарчасидан кўчирма, 3х4 см. ҳажмдаги 6 донга фотосурат.

МУРОЖААТ УЧУН АДРЕСЛАР: Фрунзе райони, Г. Лопатин кўчаси, 14-уй, «Ташқоробуьрембит» ишлаб чиқариш бирлашмаси, кадрлар бўлими. («Космонавтлар проспекти» метро станцияси).

Киров райони, 1-Мингйўл кўчаси, 9-уй, Тошкент шаҳар ўқув-курс комбинати (2, 16-трамвайлар, 19, 156, 115-автобусларнинг «Узсельмаш» заводи) бекати). Телефонлар: 56-64-79, 35-25-64.

ҲУРМАТЛИ ТОШКЕНТЛИКЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!

Тошкент шаҳар умумий овқатланиш бош бошқармаси сизни А. НАВОНИ НОМИДАГИ ТЕАТР МАЙДОНИДА 29 ВА 30 ДЕКАБРДА БЎЛАДИГАН ШАҲАР САВДО-КЎРГАЗМАСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

СИЗ БУ САВДО КЎРГАЗМАСИДА САБЗАВОТ, БАЛИҚ, ГЎШТ, ПАРАНДА, УНДАН ТАЙЁРЛАНГАН МАСАЛЛИКЛАР ВА КУЛИНАРИЯ НЕЪМАТЛАРИНИ, КОНДИТЕР МАХСУЛОТЛАРИ, МИЛЛИЙ ПАЗАНДАЛИК НЕЪМАТЛАРИНИ СOTИБ ОЛАСИЗ.

31 декабргача соат 12 дан 17.00 гача район савдо-кўргазмалари ўтказилади.



Булдан ташқари шаҳарнинг барча районларида жойлашган кулинария магазинларида байрам дастурхони учун тайёр ноз-неъматлар сотиб олишингиз ёки буюртиришингиз мумкин. Бу магазинларнинг байрам арафасидаги иш кўни яна бир соат узайтирилган.

Янги йил байрами оқшомини ресторан ёки кафеда ўтказиш ниятида бўлсангиз, бунинг учун сиз исталган ресторан ёки кафега бориб ЯККА ВА КОЛЛЕКТИВ буюртма беришингиз мумкин.

1987 йилнинг 1 январидан бошлаб сизларни ресторанларга оилавий зиёфатларга таклиф этамиз. КИЧКИНТОЙЛАР УЧУН Ленин номи майдонда Янги йил каникул кўнларида (1—10 январь кўнлари) совғалар, ширинликлар, пирожинлар, ниссиқ пирожки ва кофелар ортқилган ЭРТАКЛАР ПОЕЗДИ ХИЗМАТГА ТАЙЁР.

ТОШКЕНТ ШАҲАР УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ БОШ БОШҚАРМАСИ (телефон 33-60-22). «СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-27).

МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ КАНИКУЛ КЎНЛАРИДА

Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейи 1987 йил 1 январдан 9 январгача

ҳар кўни, дам олиш кўни-сиз соат 10.30 дан 18.00 гача, душанба кўни — соат 15.00 гача ишлайди. Экскурсиялар учун олдиндан заявкалар қабул қилинмоқда.

Музейда учта кўргазма ишлаб турибди: «ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ РАССОМИ А. Н. ВОЛКОВ», «МУЗЕЙ ФОНДИДАГИ КАМ МАЪЛУМ БЎЛГАН ТАСВИРИЙ АСАРЛАР», «XXVI-XXIX АСРЛАР ҒАРБИЙ ЕВРОПА ГРАВЮРАСИ ВА ЛИТОГРАФИЯСИ».

Музей адреси: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 16-уй.

Справкалар учун телефон 32-73-45.

Ю. А. ГАГАРИН НОМИДАГИ ТЎҚИМАЧИЛАР МАДАНИЯТ САРОИИДА

1987 йил 1 январдан 10 январгача

юқори синф ўқувчилари ва ёшлар учун ЯНГИ ЙИЛ КЕЧАЛАРИ ЎТҚИЗИЛАДИ

Пул ўтказиш йўли билан коллектив заявкалар қабул қилинмоқда.

Справкалар учун адрес: Тошкент шаҳри, Б. Хмельницкий кўчаси, 45-уй. Телефонлар: 53-36-43, 53-36-34.

В. И. Ленин номидаги Тошкент давлат университетининг

МАДАНИЯТ САРОИИ 1987 йил 1 январдан бошлаб 10 январгача

Студент ёшлар ва юқори синф ўқувчилари учун ЯНГИ ЙИЛ БАЛЛАРИНИНГ ЎТҚАЗАДИ.

Янги йил балларига коллектив заявкалар қабул қилинади, шунингдек пул ўтказиш йўли билан билетлар сотилади.

Справкалар учун адрес: Тошкент шаҳри, Студентлар шаҳарчаси. Телефон 46-39-55.

ДИҚҚАТ!

М. ТУРГУНОВЕВА НОМИДАГИ «БАҲОР» ДАВЛАТ АНСАМБЛИ БОЛАЛАР ЯНГИ ЙИЛ ТОМОШАЛАРИГА

Коллектив бўлиб тушиш учун

ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛМОҚДА.

Билетлар ташкилотларнинг вақилларига касаба союзулари маблағлари ҳисобига пул ўтказиш йўли билан сотилади. Мурожаат учун адрес: 700024, Тошкент шаҳри, Намойишлар хиббони, 5-уй. Телефонлар: 39-46-09, 39-46-10, 39-46-08.

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

«Ташлодоовощчиром» улгуржи-чакана бирлашмаси олманинг

чакана нархи ўзгарганлигини маълум қилади.

«Апорт» Олмаота олий навли олма 1-00.

П навли — 0-90.

III навли — 0-70.

Маълумотлар учун телефон 53-32-49.

Катталар ҳам, болалар ҳам севадиган Янги йил байрами кириб келишига саноқли кўнлар қолмоқда. Янги йил — бу одамлар бир-бирини чин дилдан қўтлайдиган, совға-саломлар улашадиган, дастурхон атрофида жамул-жам бўлиш ва ўйин-кутиллар авжига чиқадиган байрамдир.

Янги йилда одамлар бир-бирларига бахт-саодат тилайдилар. Биз бу байрамга иштиёқи ва ихлос билан тарадуд кўрамыз.

АРЧА БЕЗАКЛАРИ

Сиз ГУМ, ЦУМ, «Чилонзор» марказий универсал магазини, «Болалар дўниси» чакана-савдо фирмасининг 1 ва 2-магазинлари (Биринчи Май кўчаси) олдидаги майдонларда Янги йил байрами арчаси учун чиройли рангоранг безакларни сотиб олишингиз мумкин.

БОЛАЛАРГА ҚУВОНЧ УЛАШИБ

Мактаб ўқувчиларининг киши каникул кўнларида Янги йил бозорларига марҳамат қилиш ҳар бир болага қувонч бахш этади. Чиройли безатилган дўконларда совғалар, арча безаклари, ўйинчоқлар, ширинликлар, музқаймоқлар, ҳўл мевалар, лимонадлар сотувга қўйилган. Янги йил бозорлари ёш харидорларни ота-оналари билан В. И. Ленин номидаги майдонда, Карл Маркс кўчасида 29 декабрдан то қишки каникул охиригача кутади.

БАРЧАСИ БАЙРАМГА

Марказий бозорда очилган катта Янги йил бозори 31 декабргача ишлайди. Унда мактаб ўқувчиларининг киши каникул кўнларида болаларини Янги йил арчаси атрофида эртақлар, Қорбобо, Қориз билан учрашувлар, қўшнқлар айтиш тadbирлари кутади.

Тошкент давлат цирки, республика кўғирчоқ театри, Ёш томошбинлар театри, А. Навоий, оперетта, Муқимий театрлари, авиасовлар маданият саройида безатилган Янги йил арчаси чиройлари ая-ля товланади.

Шаҳар болалари байрам томошаларида бир ярим миллион донга совға оладилар.

Барча совғалар Янги, чиройли қорғоз халтачаларга солинган.

ЎРМОН ГЎЗАЛИ МЕҲМОНИМИЗ

Байрамда ҳар бир хонадонни сеҳрли дарахт — арча безатади. Сиз бундай ўрмон гўзаллини Революция хиббони, М. Горький номидаги майдон, Луначарский шоссеси маркази, Октябрь бозоридан сотиб олишингиз мумкин.

Пештахталар атрофидан эртақлардаги қаҳрамонлар, Қорбоболар, Қорқизлар ўрин эгаллашган. Улар харидорларга арча безаклари, совғалар, кондитер неъматлари, музқаймоқлар, ичимликлар тавсия қилмоқдалар. Янги йил бозори ҳар кўни соат 10 дан 17.00 гача ишлайди.

МУНОСИБ СОВГАЛАР

Янги йил байрамида совғалар тақдим этиш яхши одатдир. Сиз ана шу аjoyиб анъанага амал қилиб совғалар сотиб олиш ниятида магазинларга йўл olasiz. Саноат ва оziқ-овқат магазинларининг ходимлари ҳозирлаган тайёр совғаларга эътибор қилишингизни маслаҳат берамиз.



ҚОРБОБО СОВГАЛАРИ

ҚОРБОБО СОВГАЛАРИ БОЛАЛАРГА ТАЛАМ ҚУВОНЧ БАХШ ЭТАДИ

Янги йил кечасида уларни совғалар — пахмоқ кучукча, гаройиб маймунча, айиқча ва няхоят ёлдор арслонча муштаҳили билан кутади.

Қорбобо сизнинг хонадонингиз ёғинасидан ўтиб кетмаслиги учун, ҳурматли ота-оналар, ҳозирданон тарафидан кўрмоғингиз доим. Сиз «Чилонзор» савдо марказида юмшоқ ўйинчоқлар: КУЧУКЧА, АЙИҚЧА, МАЙМУНЧА, ФИЛЧА, АРСЛОНЧАЛАРНИ СOTИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН.

«ЧИЛОНЗОР» ЦУМИ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-27).

ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва совет қурилиши — 32-55, 37, 32-53.83; саноат ва қурилиш — 32-57.84; шаҳар ҳўналлиги ва транспорт — 32-55.39; фан ва маданият — 32-53.10; ахборот ва спорт — 33-28.95; 32-55-32; халтар — 33-29.70; жамоатчилик редакцияси — 33-99.42, 32-53.66; эълонлар бўлими — 33-81.42.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриятининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

(«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.